

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒЛИ ХУДУДЛАРИДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ ХУДУДИЙ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

**Хидиров Мухиддин Шермаматович**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, ўқитувчи

**Хидирова Улмасой Шермамат қизи**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, талаба

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6780340>

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари хусусан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий илмий асослари, аҳолига хизмат кўрсатишида ҳудудлардаги мавжуд шарт-шароитлар, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг турлари ва имкониятлари ҳақида маълумот берилган.

**Калим сўзлар:** ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, шаҳар, истеъмолчи, эҳтиёж, мажмуа, комбинат, район, ихтисослашув, корхона, аҳоли, ҳаражат, туризм, инфратузилма, хусусийлаштириш, самарадорлик, молиявий хизмат, маиший хизмат, ижтимоий хизмат, халқаро туризм, рақобат, ярмарка, даромад, иқтисодий макан.

## ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СФЕРЫ ОБСЛУЖИВАНИЯ НАСЕЛЕНИЯ И ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ РАЗМЕЩЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ В ГОРНЫХ ТЕРРИТОРИЯХ УЗБЕКИСТАНА

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о теоретических и научных основах территориальных производственных комплексов, в частности теоретические и научные основы сфера услуг, существующих условиях в регионах в сфере услуг, видах и возможностях услуг.

**Ключевые слова:** производство, услуга, город, потребитель, потребность, комплекс, завод, регион, специализация, предприятие, население, себестоимость, туризм, инфраструктура, приватизация, эффективность, финансовая служба, бытовое обслуживание, социальная служба, международный туризм, конкуренция, ярмарка, доход, экономическое пространство.

## GEOGRAPHICAL ASPECTS OF THE PUBLIC SERVICE SPHERE AND TERRITORIAL LOCATION OF ECONOMIC OBJECTS IN THE MOUNTAIN TERRITORIES OF UZBEKISTAN

**Abstract:** This article provides information on the theoretical and scientific basis of regional production complexes, in particular in the field of public services, the existing conditions in the regions in the field of public services, types and opportunities of public services.

**Key words:** production, service, city, consumer, need, complex, plant, region, specialization, enterprise, population, cost, tourism, infrastructure, privatization, efficiency, financial service, consumer service, social service, international tourism, competition, fair, income, economic space.

## КИРИШ

Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИЧМ) нинг амалиётга жорий этилиши иқтисодий-ижтимоий географиянинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган нуфузли назарий ютуқлардан биридир.

Профессор А.Солиевнинг ёзишича, ҲИЧМ хусусида энг аввало Н.Н.Колосовскийнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. У XX асрнинг 20-йилларида ГОЭЛРО, яъни Россияни электрлаштириш давлат режаси доирасида И.Г.Александров билан биргаликда иш олиб борди. У Днепро ГЭС лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида район комбинатлари ҳақидаги ўзининг илмий назариясини яратди. 30-йилларда эса бу муҳим масалани аниқлаштирди, унинг моҳиятини чуқур ўрганиб район ишлаб чиқариш комбинатларини барпо этиш лозимлигини таъкидлади. Н.Н.Колосовский И.Г.Александровнинг район ишлаб чиқариш комбинатлари тўғрисидаги таълимотидан Урал, Сибир ва Қозоғистон каби йирик районлар мисолида амалий фойдаланди, уни бойитди ва шу асосда ўзининг район комплекслари (комбинатлари, мажмуалари) тўғрисидаги илмий ғоясини шакллантирди.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини айрим адабиётларда ижтимоий инфратузилма билан маънодошлиги таъкидланган. Умуман олганда, бундай фикрга қатъий эътироз йўқ. Бироқ, илгари инфратузилма хўжаликнинг алоҳида тармоғи сифатида тан олинмаган ва у асосан ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли ҳаёт-фаолияти учун лозим бўлган шарт-шароитлар мажмуи, пойдевори (инфра – ички, структура – тузилиш, яъни ички тузилиш) мазмунида талқин қилинган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўринга эга. Барча маҳсулот-моддий ва маънавий бойлик пировард натижада инсон учун, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида яратилади. Кишиларнинг талаб-эҳтиёжлари эса борган сари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариб боради, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тур ва шакллари кўпайиб туради.

Бозор муносабатларини шакллантиришга мазкур соҳалар бошқа тармоқларга қараганда тез ва осон киришади. Масалан, хусусийлаштириш, нодавлат секторини кучайтириш авваламбор айнан ана шу соҳаларда бошланди (баъзан уни «кичик хусусийлаштириш», саноатга тегишлиси эса «катта хусусийлаштириш» деб аталади). Эҳтимол, бунинг сабаби аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналарининг унча катта эмаслиги, бу йўналишда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожлантириш имкониятларини кенглиги бўлса керак.

Ижтимоий хизмат соҳалари аҳолига қаратилган, аҳоли жойлашуви эса ишлаб чиқариш тармоқларига кўра анча турғун. Қолаверса, бу хизмат соҳалари кишиларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ. Бинобарин, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини (АХКС) жойлаштириш бевосита маҳаллий ҳокимият зиммасига юкланади. Чунки, эндиги шароитда қаерда болалар боғчасини ёки ўрта мактабни куриш, дорихона ёки касалхона ташкил этиш, санитария-гигиена ёки ўт ўчириш хизматини жорий қилиш муаммолари ва ҳоказолар илгаригидек марказдан туриб эмас, балки ўз жойида (маҳаллий даромад) ҳал этилиши керак.

Яна шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу соҳаларда эркин рақобат кучли ва яққол кўзга ташланади. Чунончи, кишиларнинг ўзларига ёққан ҳаммомлари, сартарошхоналари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд. Уларнинг аксарияти ҳозирги даврда хусусийлаштирилган. Масалан, биргина Тошкент шаҳрининг шахсий хонадонларида ошхона ёки қаҳвахоналарни очиш, тураргоҳ ва гузарларда шахсий дўконлар ташкил этиш бугунги кунда одат тусига кириб қолди.

Аммо, шу билан бирга, баъзи хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил қилишда вазият анча ўзгарди. Жумладан, ҳозирги даврда йирик, кўп ўринга эга бўлган кинотеатрларга эҳтиёж қолмади. Телевидение, интернет тизими, телефон, радио, тарғибот (реклама) ва бошқалар кўпгина хизмат турларини «уйда» ташкил қилиш имкониятини яратди. Ҳатто йирик магазинлар ҳам энди аввалгидек гавжум эмас, ваҳоланки илгари улар шаҳар марказини ҳосил қилувчи объектлардан бири эди. Балки, моддий ишлаб чиқаришда бўлганидек, АХКСда ҳам йирик корхоналар, мужассамлашувнинг юқорилиги, айниқса янги муносабатларга ўтиш даврида унча мақбул эмасдир.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий мақсади аҳолига барча қулайликларни яратиш, замонавий, сифатли хизматларни беминнат бажариш, унинг дам олишини мароқли ва мазмунли ўтказиш, вақт ва масофани тежашдан иборатдир. Кўришиб турибдики, бу масалалар ўз моҳиятига кўра том маънода ижтимоий хусусиятга эга бўлсада, улар бевосита ва билвосита иқтисодиёт билан ҳам боғлиқ. Сабаби-ўқимишли, соғлом, куч-қувватини маромида тиклаган кишининг меҳнати ҳам унумли ва самарадор бўлади.

Турли мамлакатларда барпо этилаётган эркин иқтисодий минтақаларнинг кўпчилиги савдо-сотик, экспорт-импорт, халқаро туризмга ихтисослашган. Уларнинг айримлари (масалан, Кипр ёки Ирландия)да махсус хизмат кўрсатиш, эркин савдо минтақалари ва мажмуалари, яъни «офшор»-лар ташкил қилинган. Айниқса, молия хизмати кучаймоқда: Лондон, Нью-Йорк, Токио, Париж, Франкфурт, Сингапур, Цюрих, Люксембург каби «дунёвий» шаҳарлар йирик банк-молия марказларига айланмоқда. Табиийки, бундай халқаро аҳамиятга молик бўлган марказлар, ЭИМлар қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлишлари шарт.

Умуман олганда, хизмат кўрсатиш иккига бўлинади: ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва аҳолига (ижтимоий) хизмат кўрсатиш. Ўз навбатида охиригиси ҳам икки хил бўлади: 1) бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш, масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, маиший, маданий, молиявий, алоқа ва бошқа турдаги хизматлар; 2) аҳолига керак бўлган воситаларни таъмирлаш орқали хизмат кўрсатиш—радио ва телеаппаратуралар, совутгич, коммунал тармоқлар, автомобил, пойафзал таъмири, кимёвий тозалаш, автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари ва ҳ.к.

Ҳозирги даврда аҳолига хизмат кўрсатиш ўндан ортиқ соҳаларни ўз ичига олади. Жумладан, улар: 1) уй-жой ва коммунал хизмати; 2) чакана савдо; 3) умумий овқатланиш; 4) маиший хизмат; 5) таълим хизмати; 6) соғлиқни сақлаш; 7) ижтимоий таъминот; 8) рекреация ва туризм хизмати; 9) маданий хизмат; 10) молия хизмати; 11) юридик хизмат; 12) алоқа хизмати; 13) йўловчи транспорти хизмати; 14) йўл ва йўл хавфсизлиги хизмати ва бошқалар.

Юқоридаги хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши ҳар хил. Қолаверса, уларни шаҳар ёки қишлоқ жойларда ўринлаштириш ҳам бирдай эмас. Яна шуни эътиборга олиш керакки, модомики аксарият хизмат турлари барча учун ва ҳамма вақт кўрсатилар экан, у ҳолда бундай хизмат кўрсатишнинг даражаси, тўлиқлиги тўғрисида сўз юритиш талаб қилинади. Шу билан бирга хизмат турлари ҳам такрорланишига қараб ҳар хил: кундалик, вақт-вақти билан ва даврий (узвий) бўлади. Бу эса уларнинг ҳудудий ташкил қилинишига таъсир қилади.

### **МУҲОКАМА**

Аксарият хизмат турларига кишиларнинг ўзлари борадилар, айримлари келиб хизмат кўрсатишади (ўт ўчириш, коммунал хўжалик хизмати, уй жиҳозларини таъмирлаш, тез ёрдам ва ҳ.к.), яна бошқалари эса ўзаро ҳаракатда амалга оширилади (йўловчи ташиш хизмати). Баъзи хизмат турлари борки, улар уйда ва ўз ишхонасида бажарилиши мумкин. Масалан, почта, алоқа хизмати ва б. Шунга ўхшаш тўй ва маросим, тарғибот хизматларини ташкил этиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Айрим ижтимоий хизмат соҳалари аҳолига бепул кўрсатилади. Бироқ, бозор муносабатлари шаклланиб борган сари бундай турдаги соҳалар сони камайиб боради. Чунончи, ҳозирги даврда соғлиқни сақлаш ва таълим тизими буларга мисол бўла олади. Уларнинг қисман давлат таъсарруфида қолиши ва хусусийлаштирилиши, аралаш шакллари ўзига хос рақобат муҳитини яратади. Мазкур ҳолат бугунги кунда, айниқса аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда жуда аниқ кузатилмоқда (масалан, стоматология, дорихона хизматлари соҳасида).

Таълим тизимида ҳам бироз шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд. Жумладан, олийгоҳларда талаба ва магистрларнинг тахминан 1/3 қисми давлат бюджетиде бўлса, қолганлари пулли, яъни шартнома (контракт) асосидадир. Шунингдек, ўқувчиларни алоҳида уйда ўқитиш, репетиторлик қилиш ҳам шахсан ҳақ (пул) тўлаш орқали олиб борилади. Шу ўринда айтиш лозимки, республикамизда Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши, соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиниши ушбу соҳаларнинг ҳудудий ташкил этилишида ҳам ўзгаришларга олиб келди.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш аҳолига мўлжалланган экан, уни ҳудудий ташкил этиш ҳам аҳоли жойлашуви, унинг ёш-жинс ва бошқа демографик хусусиятларига қараб амалга оширилади. Айни вақтда АХКС жойлаштириш шаҳар ва қишлоқларда ҳар хил. Масалан, шаҳарларда, хусусан йирик марказларда хизмат кўрсатишни ҳудудий ташкил қилиш алоҳида мавзе ва маҳаллалар доирасида мажмуа шаклида бажарилади; бундай шароитда сервис корхоналари анча зич бўлади, улар деярли «ҳар қадамда» учраб туради (айниқса, савдо дўконлари). Тиш даволаш, дорихоналар ҳам жуда кўп; боғча, мактаб, касалхоналар, расмхона, нотариал корхоналар ва бошқалар эса нисбатан камроқ ва зичлиги ҳам пастроқ. Аммо, уларнинг жойлашув хусусияти қишлоқ манзилгоҳларига қараганда ниҳоятда зич. Бу эса шаҳар шароитида ҳудуднинг аҳамияти ва қиймати жуда юқорилигидан далолат беради. Бинобарин, ҳудудни ижтимоий ташкил қилиш шаҳарларда ўзига хосдир. Социология, район планировкаси каби фанлар шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ана шундай микрогеографик даражада ўрганади ва лойиҳалаштиради.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш поғонасимон, иерархия шаклида бўлади. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларни айнан ана шундай ташкил қилиниши энг аввало аҳоли жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларининг катта-кичиклиги, уларнинг бажарадиган вазифаси (функцияси) ва транспорт билан таъминланганлигига қараб амалга оширилади. Марказий ўринлар катталашган сари паст босқичдаги марказлар хизмат кўрсатиш турларини ҳам қамраб олади ёки аксинча, улар катталашган сари хизмат кўрсатиш турлари ҳам кўпайиб боради. Энг юқори босқичдаги марказда сервис соҳаларининг ноёб, бетакрор, олий даражадагилари жойлашади, қолган барча тармоқлар эса маҳаллий, яъни шу шаҳар аҳолиси учун аҳамиятли бўлади. Турли босқичдаги марказий ўринлар ва уларнинг таъсир доираси ўзига хос ҳудудий мажмуаларни шакллантиради.

Шаҳар агломерацияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан АХКСнинг фаолияти билан боғлиқ Чунки, агломерация ҳосил қилувчи энг муҳим омил – бу аҳолининг маятниксимон тебранма ҳаракати, ўқишга, дам олишга, даъволанишга, маълум бир бошқа ҳожатини қондириш мақсадидаги доимий (мунтазам) ёки даврий, вақт-вақти билан қатновидир.

Ҳозирги кунда АХКС орасида молия, банк-кредит, солиқ, суғурта, омонат кассалар хизматининг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Бу эса бозор инфратузилмасини ташкил қилиш ва ривожлантиришни долзарб муаммо қилиб кўяди.

Ҳар қандай демократик жамиятда аҳоли эҳтиёжлари бирламчи ҳисобланган. Хизмат кўрсатиш аҳолига мўлжалланган экан, уни ҳудудий ташкил этиш ҳам аҳоли жойлашуви, унинг ёш-жинс ва бошқа демографик хусусиятларига қараб амалга оширилади. Шу боисдан мамлакатимиз тоғли ҳудудларида ҳам хизмат кўрсатиш соҳалари тармоқларини аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Биз тоғли, текислик, тоғолди каби географик мажмуаларни мамлакатнинг ҳудудий ишлаб чиқриш мажмуини кичик ва айни дамда табиий омиллар билан боғлиқ кўриниши, деб биламиз. Шу боисдан тоғли минтақаларда турли йўналишларда ва иқтисодий объектларни ҳудудий жойлаштиришда унинг географик имкониятлари тўла тўқис ўрганилиши лозим, деб биламиз. Тоғларда табиий ресурслар нисбатан кўп, аҳоли нисбатан кам. Текисликларда, хусусан воҳаларда аксинча. Ушбу фикрдан сўнг кўпчиликда тоғда суғориладиган ер ресурслари чекланганлиги ҳақида фикрлар уйғониши табиий. Бундай тушунчани билдиришдан олдин қадимий тоғдан фойдаланишда фақатгина ўтин кесиб ёки мева териб келиш деб, тушунмай Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам каби давлатлар ёки қўшнилари тоғли ҳудудларнинг типик мисоллари Тожикистон ва Қирғизистоннинг деҳқончилик ва чорвачиликда ер ресурсларидан қай даражада фойдаланаётганини ўрганиш кифоя. Кўп йиллар мобайнида тоғли ҳудудлар ўзлаштириши ва аҳоли яшаши ноқулай ҳудуд сифатида қараб келинган. Республикамиз умумий ер майдонининг 1/3 қисмини тоғлар эгаллаган, бундан кўриниб турибдики юртимиз табиатига ҳос хилма – хилликни ўрганиш ва мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишни талаб этади. Қашқадарё вилояти ҳудудининг ғарбий ва жануби – ғарбий қисмини арид иқлимли текисликлар (Қарши, Нишон чўллари), шимолий ва шарқий қисмларини тоғлар (Зарафшон ва Ҳисор тизмалари) ва тоғ олди адирлари (Ғузор

адирлари) эгаллаган. Тоғлар Қашқадарё вилоятининг табиий шароити шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Вилоятнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чирокчи, Қамаш, Ғузор, Деҳқонобод туманлари жойлашган. Бу туманларда бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор сингари шаҳарлар, ўнлаб қадимги кўрғон ва шаҳар харобалари, авлиёларнинг муқаддас зиёратгоҳлари мавжуд бўлиб, уларнинг яна қанчаси шу тоғлар бағрида яширин.

Ўзбекистон аҳолиси шиддат билан ўсишга эришди. Аҳоли сони кўпайгани сари аҳолининг эҳтиёжи ҳам ошиб боради. Шу боисдан Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий жойлаштириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштиришда айрим муаммолар мавжуд. Бундай муаммоларни ҳал қилиш, хизмат кўрсатиш соҳалари тармоқларини ҳудудий жойлаштириш, айниқса аҳоли сони тез кўпайиб бораётган ва Ўзбекистоннинг жанубида, марказдан узокда жойлашган Қашқадарё вилояти учун долзарбдир.

Биз аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг баъзи тармоқларининг ривожланиши ва ҳудудий жойлашувини кўриб ўтдик. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг аҳолига хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларида ҳам кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй берди. Лекин, бу борада муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Масалан, Қашқадарё вилоятида 3335,4 минг киши (01.01.2021) истиқомат қилмоқда.

#### Қашқадарё вилояти кўрсатилган хизматларнинг хизмат турлари бўйича тақсимланиши



*(Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида  
муаллиф томонидан тузилди)*

Вилоятда аҳоли сони 300 минг кишидан ортиқ бўлган 2 та (Чироқчи, Шахрисабз), 200-300 минг киши бўлган 5 та туман (Қамаши, Қарши, Косон, Китоб, Яккабоғ) ҳамда Қарши шаҳри, 100-200 минг киши бўлган 5 та (Ўзгор, Дехқонобод, Миришкор, Нишон, Касби) туманлар мавжуд. Агар аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини туманлар миқёсида таҳлил қилсак, номуносиблик мавжудлигини кўрамиз.

Яъни, аҳолиси кўплигига қарамасдан, айрим туманларда (Чироқчи, Яккабоғ, Косон) маиший ва маданий хизмат кўрсатиш бироз суст ривожланган.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки ҳар қандай демократик жамиятда аҳоли эҳтиёжи бирламчи ҳисобланган. Хизмат кўрсатиш аҳолига мўлжалланган экан, уни ҳудудий ташкил этиш ҳам аҳоли жойлашуви, унинг ёш-жинс ва бошқа демографик хусусиятларига қараб амалга оширилади. Шу боисдан Қашқадарё вилоятида ҳам хизмат кўрсатиш соҳалари тармоқларини аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Солиев А., Маҳмадалиев Р. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари. – Т.: Университет, 2005. – 124 б.
2. Солиев А. Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари. – Т.: нашриёт 2006.
3. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Т.: Камалак, 2013. – 184 б.
4. Колосовский Н.Н. Избранные труды. – Смоленск, 2006.
5. Socol M. Economy geography. – London: University of London, 2011. – 80 p.
6. Региональная экономика. Под ред. Т.Г.Морозовой. – М.: нашриёт 1998.
7. Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш., Каракулов Н.М. География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Республика илмий - амалий конференция материаллари. – Т., 2015.
8. Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш. Қашқадарё вилояти тоғ ва тоғ олди ҳудудлари топонимларини шакллантирган халқ табиий географик терминлари хусусида// География ва Ўзбекистон табиий-ресурс салоҳиятини баҳолаш муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2016 йил. – Б. 305-308.